


## Номинациялар ғолиблари

Институтнинг “ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ ВА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ” кафедраси ва ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ бўлими ҳамда ЁШЛАР ИТТИФОҚИ билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 24 май куни Ўзбекистон миллий университетида таълим ва илм-фан соҳаси вакиллари билан бўлиб ўтган учрашуви масаласининг 21 - сонли баёнида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб институтимизда 2019 йил 13.06. 583 А/Ф ректор буйруғи асосида факультетлараро «Билимлар беллашуви» кўрик - танлови ўтказилди.



Кўрик - танловда ГМ, ГК, ҚСХЭТ, ҚХМ факультетларининг «Касбий таълим» йуналишининг 2 - босқич талабалари фаол иштирок этиб, ҳар бир гуруҳ фахрли ўрин ва совринлар билан тақдирландилар. Беллашув 5 та шарт асосида баҳоланди. Кўрик-танловда ғолибликни “Гидротехника” факультетининг «ЁШ ГИДРОТЕХНИКЛАР» жамоаси қўлга киритди. «ЭНГ ЗУККО» ГУРУҲ” номинациясини ГМ факультетининг «АВЛОНИЙЛАР ИЗДОШЛАРИ» жамоаси эгалладиган бўлса, «ЭНГ ҚУВНОҚ ГУРУҲ» номинациясини ҚСХЭТ факультетининг «ЁШ ЭЛЕКТРИКЛАР» жамоаси, «ЭНГ ИНОҚ ГУРУҲ» номинациясини эса ҚХМ факультетининг «МЕХАНИЗАТОРЛАР» жамоаси эгаллади.



**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**